

ДОНИЁР МИРЗО

ОҚҚУШГИНАМ

Шеърлар

Тошкент
«Янги аср явледи»
2004

84(59)6-3

Истеъдодли ёш шоир Дониёр Мирзо ўз шеърлари, қўшиқлари билан қалбларимизни забт этишга интильмоқда. Унинг шеърларига бастакорлар кўй басталаб, таниқли хонандалар ижро этаётгани ҳам Д.Мирзо шеърляти халқчиллигидан, оҳанглари дилларни чертаётганидан дарак беради.


Кўнгли рози, шик-муҳаббат, вафо, садоқат туйғулари мужассам бўлган «Оққушгинам» тўплами ёш шоирнинг қалдирғоч китоби бўлиб, у сиз, шеърлят мухлисларида илиқ таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

Муаллиф ушбу китобнинг нашр этилишида маънавий ҳамда иқтисодий кўмак берганлиги учун «Томоша» болалар фольклор театр-студияси бадий раҳбари Нодира Қурбоновага самимий миннатдорчилик билдиради.

Маъсул муҳаррир: Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Халқ шоири

ISBN 5-633-01643-2

© Дониёр Мирзо. «Оққушгинам». «Янги аср авлоди». 2004.



ЮКСАК ПАРВОЗЛАР УМИДИ

Рост загни айта қалай. Бир даста шеърни ҳафсаласизлик билан қўлимга олдим. Уқир эканман, ҳали унчалик тарашланмаган тоза туйғулар, биз ўрганиб қолган қалипларга сизмайроқ, ҳатто Мирзо (ёзувчи)нинг ўзига ҳам жилов бермайроқ, бўйсунмайроқ мавжланиб турган ифодалар менга элати туюлса-да, ёқиб қолди. Мен шундай шеърлардан ҳаяжонланаман.

Ва аниқ сездим: Дониёр Мирзонинг ижодий имкониятлари кенг ва кўп, у ҳали кўп очилади. У ҳали яхши шоир бўлади.

Ҳа, чунки у жуда тиришқоқ, ишдан қочмайди, ижодий интизамли, ўз принципларига садоқатли, асло чекинмайди, фақат интилади. Библия қолдим – у осон йўллардан тобора чекинмоқда, ижодий машаққатлар кўчасига дадил кирмоқда. Ишондимки, у осон ва енгил, ўткинчи нарсаларга алданиб қолмайди.

Дониёр, сиз ўз мухлисларингизни алдаб қўймаслик учун яхши китобларни кўп ўқинг. Меҳнаткашлик эса сизга хос. Қолганини илҳом беради.

Салим АПУР

ЯХШИЛИК

Билгин ёруғ дувёда,
Қолар фақат яхшилик!
Шундай экан, эй инсон,
Яхшилик қил, яхшилик...

Сахийларнинг — кўзидан,
Нур ёғилур юзидан,
Англаб ногоҳ сўзидан,
Яхшилик қил, яхшилик!

Давлат қўлда демагин,
Номард ошин емагин...
Савоб ишни қил тарин:
Яхшилик қил, яхшилик.

Майли, феъли торларга,
Бир дуога зорларга,
Ҳақдил дўсту ёрларга
Яхшилик қил, яхшилик.

Пок бўлса гар иймнинг,
Ҳузур қилади жонинг,
Ватан — Ўзбекистонинг...
Яхшилик қил, яхшилик!

Қўлла: ота ризони,
Оппоқ дема қарони!
Эслаб Дониёр Мирзони
Яхшилик қил, яхшилик.

АВЛ

Ул суюкли мунис онадир,
Болам дея дили ёнадир.
Гарчи қучса қалби қонадир,
Ана шундай улуғдир аёл.

Туни бедор, ухلامас сира,
Жаннатни сен онангдан сўра.
Сени ўйлар ўзидан кўра,
Ана шундай улўғдир аёл.

Неки топса қўлингга берар,
Сени дея югурар, елар...
Хатто бахтинг Аллоҳдан сўрар,
Ана шундай улўғдир аёл.

Аслинг кимдир, биласанми, ким,
Наслинг кимдир, насабинг-чи, ким?!
Шуни сен ҳам билиб ол, синглим,
Ана шундай улўғдир аёл.

Сен-чун қонлар ютаверади,
Олис кетсанг, кутаверади.
Келсанг, гуллар тутаверади,
Ана шундай улўғдир аёл.

Укам, дилга олмагин малол,
Оши тотлиғ, топгани ҳалол.
Синаб кўргин, майли, бемалол,
Ана шундай улўғдир аёл.

Тангрим қўлла аёл зотини!
Ёмон отлиғ қилма отини.
Ўйлаб юрар охиратини,
Ана шундай улўғдир аёл.

ЎЛҒОН СЕВГИ

Энди бўлди:
Севолмайман, бас!
Муҳаббатни қилгандим ҳавас.
Юрагимни тимдалаган хас —
Ўлғон сеvги, ўлғон муҳаббат.
Бир кўрдиму ақлимни олди,
Кечалари тинчим йўқолди.
Юрагимга ғулғула солди —

Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.
Билмам кимни сарсон қилади,
Юрагимни минг бор тилади.
Нима қилса, ўзи билади...
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.
Ё юракда йиғлайди созим,
Ёки тонгда янграр овозим.
Синиқ қалам, йиртиқ қоғозим —
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.
Ошиқ юрак, ошиқ дил қани,
Қани юрак, қани гул қани?!
Ё шунчалар севдимми, сани —
Ёлғон севги, ёлғон муҳаббат.
Энди бўлди:
Севолмайман, бас!
Муҳаббатни қилмайман ҳавас.
Юрагимни тимдалаган хас —
Ёлғон севги,
Ёлғон муҳаббат!

ҲАМНАФАС

Юлдуз билан, Ой билан,
Кундуз билан, тун билан.
Ёлғон билан, чин билан,
Ҳамнафас ҳар дам ҳаёт.

Офтоб билан, нур билан,
Олтин билан, дур билан.
Ожиз, қўрқоқ, зўр билан —
Ҳамнафас ҳар дам ҳаёт.

Тиканзору боғ билан,
Қарчиғаю зоғ билан.
Ҳам бемор-у, соғ билан,
Ҳамнафас ҳар дам ҳаёт.

Еру, само, Ой билан,
Камбағалу бой билан.
Бир кафт тупроқ, лой билан,
Ҳамнафас ҳар дам ҳаёт.

ОТАЖОНИМ, ОТАЖОНГИНАМ...

(Отам Мирза ЖУМА ўалига)

Дилдан чалсам кўлдаги торим,
Қайда бўлмай ғурурим, орим.
Ҳар сўзида маъноси борим —
Отажоним, Отажонгинам.
Кўллари гул, кўллари қадоқ,
Содда деҳқон — Отажонгинам.

Кўзларимга берган зиёни,
Пок қалбимга иймон-ҳаёни.
Обод этган бу кенг дунёни —
Отажоним, Отажонгинам!
Ёши улуг, сочлари оппоқ,
Жон ичра жон — Отажонгинам...

Кувончларим ичикди — инди,
Ғанимларим қақшади — синди.
Дил тахтига ўғлингиз минди,
Шоҳу султон — Отажонгинам.
Бели боғлиқ, кўзлари ўткир,
Кўкси қалқон — Отажонгинам.

Суянганча юринг ҳассангиз,
Дунёларга тенгдир ҳиссангиз.
Дониёр Мирзо ўғлим десангиз,
Меҳрибоним — Отажонгинам,
Ўғил-қизим бахтин кўрсангиз,
Армоним йўқ — Отажонгинам!

ОНАМГА МАКТУБ

Ўша гўзал, ўша гул малак,
Ҳали сизга келин бўлади.
Қаранг унга, қаранг, онажон,
Кўзларингиз нурга тўлади.

Оҳуда йўқ ундаги чирой,
Ой билан у ҳусн талашган.
Ҳавас қилиб самодаги Ой
Латофатда ҳаддидан ошган!

Лекин унинг диллари ярим,
Тўлдираман ўзим дилини.
Совчи бўлиб бугун, онажон,
Сўраб боринг унинг қўлини.

Овчининг кўп тоғда армони,
Дучор бўлдим армон тифига.
Ул малакнинг қўлидан тортиб,
Киргим келар чимилдифига.

Ўша гўзал, ўша гул малак,
Хаёлимни олганди ўша...
Аста кулиб гулзор ортидан,
Юракка ўт солганди ўша!

ОҚҚУШГИНАМ

Умрим менинг баҳорга ўхшар,
Оқиб ётган анҳорга ўхшар.
Гоҳида кенг, гоҳ торга ўхшар —
Сени ёмон соғиниб кетдим.

Чўкай десам оёғингга тиз,
Боролмадим йўлларим олис.
Эй, Туронгул, соҳибжамол қиз,
Сени ёмон соғиниб кетдим.

Яноғингдан бўсалар ютиб,
Сеҳргарлик хумори тутиб.
Юраккинам ўртаб-ўртаниб —
Сени ёмон соғиниб кетдим.

Юзинг иссиқ, лабингда учқун.
Оққушгинам, уч, жонимга қўн.
Мирзо каби севганим учун —
Сени ёмон соғиниб кетдим...

АСАРДАГИ ҚАҲРАМОН

Мағрур яша, ортга қайрилма,
Ватан учун садқа эрур жон.
Фақат иймонингдан айрилма,
Ўзлигингни унутма, ўғлон!

Сен ўзбексан, алплар авлоди
Кўзларингдан сидир томчини.
Отга мину ортга қайрилма,
Қарсиллатиб ургин қамчини!

Ўн саккиз минг оламини кезиб,
Тинчлик туғин баралла кўтар.
Фуруринг йўқ эрса мабодо
Ҳолинг ночор фарёда ўтар.

Яшаш учун курашгин фақат,
Беҳудага ютаверма қон.
Тирикликдир асли ҳақиқат,
Она кўртинг асрагин омон.

Гарчи, Аллоҳ қўллайдди ахир,
Эл-юрт ризо, ота ризони...
Асардаги қаҳрамон, сен ҳам,
Унутмагин Дониёр Мирзони...

ДУНЕ

Ҳали дунё тугагани йўқ,
Тугамайди осмон гумбури.
Нигоҳимга қадалган бир ўқ...
Бу дунёнинг минг битта сири.

Ҳали дунё тугагани йўқ,
Ташвишлари менинг бошимда!..
Сочларимнинг қора жойи йўқ,
Қирчиллама ўттиз ёшимда...

Ўн саккизда кўнгил бергандим,
Дилни ўртар йиллар армони.
Қирқ ёшда ҳам навқирон бўлсам,
Қирқ бешда ҳам бўлса имкони...

Эликда-ку, маҳалла-кўйда
Кайвонироқ, бўлиб оқсоқол:
Олтмиш ёшда маърака-тўйда,
Дуоғўйдир мункиллаган чол...

ҚУВОНЧ

Сен менинг қувончим, сен менинг дардим,
Ишқ ўтида куйдим, бўлмади қадрим...
Сен эса кетарсан бир сўз демай, жим,
Ортингдан жимгина боқиб қоларман.
Бир кун келиб сенга ёқиб қоларман.

Дард чекмаган дилдор — дилдор эмасдир,
Ҳеч ким сенга мендек чин ёр эмасдир.
Пешона шўр экан, айирди тақдир,
Ортингдан жимгина боқиб қоларман,
Бир кун келиб сенга ёқиб қоларман.

Жим йирладим, суйдим, куйдим фироқда,
Сен кетарсан, жоним, мenden йироқда,
Дил қаърига чўкди, сен-чи, қирғоқда,
Мен эса ортингдан боқиб қоларман,
Бир кун келиб сенга ёқиб қоларман.

Қай бевафо ёрлар ёрин унутиб,
Дили озор тунлар зорин унутиб,
Кўнгил эса сендан меҳрлар кутиб,
Ортингдан жимгина боқиб қоларман,
Бир кун келиб сенга ёқиб қоларман.

Ўн беш кунлик ойдек тўлмоғим гумон,
Сен бўлмасанг ишқдан ўлмоғим гумон,
Сени жондан севдим, соғиндим ёмон,
Ортингдан жимгина боқиб қоларман.
Бир кун келиб сенга ёқиб қоларман.

Келсанг кучоғингда жоним берай ман,
Бошдан пойинг қадар бахтга ўрайман.
Тангридан тиланиб, бахтинг сўрайман,
Кел, иккимиз бир кун бахтли бўламыз,
Ишқ аҳлига етар тахтли бўламыз...

ОНАЖОН

Тун-кечалар ухлмасдан тунни-тунга улаган,
Кун-кечалар мишжа қоқмай кунни-кунга улаган.
Ўсиб-улғай болам, дея бешиқларга белаян...
Онажоним, умрингизни мен худодан сўрайман.
Ўзим бахтман, бошдан-оёқ сизни бахтга ўрайман.

Бедорликнинг ўйнар қисмат ёки тақдир қамчиси,
Замин оша қолгаймизкин, дунёнинг бир томчиси?!
Сиз эурсиз ўглингизнинг ҳар нафас илҳомчиси —
Онажоним, умрингизни мен худодан сўрайман.
Ўзим бахтман, бошдан-оёқ сизни бахтга ўрайман.

Илҳом тошар, қўшиқлар-ла парвоз этиб учолмам,
Соғинч тўла юрагимда сира ундан кечолмам,
Гар соғинсам сиз йироқда, нетай, сизни кучолмам?
Онажоним, умрингизни мен худодан сўрайман.
Ўзим бахтман, бошдан-оёқ сизни бахтга ўрайман...

ЛОЛАЖОН

қўшиқ

Ширин-ширин орзулар,
Қанотига бойланиб.
Тонда ўсган сирли гул,
Лолаларга айланиб.

Сен ўз қадди-қоматинг,
Бир бор кўз-кўз этасан.
Ҳатто дардим эшитмай,
Тўкиласан, кетасан.

нақорат

Лола-лола қизғалдоқ,
Тоғнинг гули қизғалдоқ...

Ҳатто сўлим баҳор ҳам,
Жамолингга тўймайди.
Айтгил менга, лолажон,
Нега раҳминг келмайди.

Кўлим етди деганда,
Умидларим бағри қон.
Сенга асло етолмай,
Сарсонаман ҳар қачон.

* * *

Дафъатан иккимиз чиқдик йўлақдан,
Оғир қайғу ила бесўз, дилозор.
Адашиб кетамиз иккимиз бешаън —
Кўз гавҳарин босиб сассиз туманзор...

Қош озор этмагай инсон зотига,
Киприк-қабогимиз бари ёлғончи.
Тўқим эгар керак Алпнинг отига,
Сувлиқ керак, яна керакдир қамчи.

Қорсиз муюлишда бетавфиқ ғулу —
Чечак-чарос кўзли — тақачи ангиз.
Нигоҳи бенишон бечора сулув —
Туманзор ичинда титрайди ёлғиз.

ОДАМЛАР...

Бошига мусибат ёғилган дамлар,
Ул кимса ногаҳон кўзларин намлар.
«Ўшал он» теграсин забт этиб шаксиз.
Аллоҳ хаёлига келган одамлар.

Ғафлат уйқусидан туришин билмай,
Кўз ёшсиз не юмуш қилишин билмай.
Бошини қай тошга уришин билмай,
Аллоҳ хаёлига келган одамлар!..

ҲАҚ ГАП

Баъзан бойлик дедим,
Баъзан гул дедим,
Баъзан ойлик дедим,
Баъзан пул дедим.
«Душманга йиғлама,
Дўстим, кул», — дедим,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

Хазонрез кўчалар
Чангиди, кетди,
Ҳамроҳлар оҳ деди,
Воҳ деди, ўтди.
Гулпари ошиғин
Кўлидан тутди,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

Баъзида бир тутам
Вақтимни аяб,
Онажон, ҳолингиз
Сўролмадим ҳеч.
Гоҳида югурдим,
Бўлиб қолди кеч,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

Гулга булбул кўнди,
Яйради кўнгил,
Тошдан гиёҳ унди,
Сувга ташна дил.
Менда забон йўқдир,
На бир тоза дил,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

Умр ўтаётир
Қолинг не демай,
Дўстим ҳам юз буриб,
Кетдилар келмай.
Бошимга тош тегиб,
На бир воҳ демай,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

Менда оқибат йўқ,
Заррача меҳр.
Кўзимда зиё йўқ,
Заррача қаҳр.
Сизда ҳузур йўқдир,
Менда-чи, бир сир,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

Меҳр ҳам йўқ экан
Бу тош шаҳарда,
Баъзида оч қолдим
Шому саҳарда.
Шунда бошим силар
Бир қўл топилмас,
Ким ҳам бошим силар,
Айта қолинг, ким?

Ойнага термулиб
Ёлғиз хонада,
Қадрингиз англадим
Йиғлаганча жим.
Ҳаловат не экан,
Билмадим, она,
Шунда ўйлаб кўрсам,
Ўзим девона.

Қайтаман артага,
Индинга дедим,
Ёлғизлик нонини,
Тузиви едим.
Ўзимча ақлли...
Бир аҳмоқ эдим,
Сиздан йироқларга
Кетдим, онажон.

На бир тўйда бўлдим,
На бир азада,
Байрамда табрик ҳам
Этмай баъзида.
Сиздан узр сўраб
Қайтар ўғлингиз.
Энди айтмас сўзин
Айтар ўғлингиз,
Бағрингизга яна
Қайтар ўғлингиз.

* * *

(Халқ оҳангида)

Ўнта бўлса ўғлингиз,
Ўрни бўлак, дейдилар.
Бир чақирим йўл учун —
Қирқта йўлак, дейдилар.
Қанча бўлса қизингиз,
Қилиқлари бошқадир.
Гар шуъласи бўлмаса —
Гавҳар надир, тош надир?!

Ўйнаб қолинг ёшликда,
Ўтар, кетар ёшлик ҳам.
Ёдга тушиб ўйлатар —
Гоҳо бағритошлик ҳам.
Ҳар дам ўғил-қизни деб,
Югурамиз-еламиз.
Ёшлигимиз завқини —
Кексайганда биламиз.

Асли ёлгон дунёнинг
Ёлгонлари кўп бўлар.
Орау-ҳавас кўришлар —
Неваралар деб бўлар.
Фарзанд азиз — ўғил-қиз,
Бошдан нелар кечмайди.
Шулар борки ёруғ юз —
Чироғимиз ўчмайди.

ДУО ОЛ

Митти юракларнинг
ёнишлари кўп,
Булбулзабон тилнинг
хонишлари кўп.
Ярим кўнгил сендан —
нолишлари кўп,
Майли танҳо қолгин,
ёлғиз қол, болам.
Фақат олқиш олгин,
дуо ол, болам...

Ҳар кимни кўнглин ол,
Ширин сўз билан.
Эл ичинда яйра
ёруғ юз билан.
Юксакларга боқгин,
Теран кўз билан.
Майли танҳо қолгин,
ёлғиз қол, болам.
Фақат дуо олгин,
Олқиш ол, болам.

САДОҚАТ

Зиёда Ашуровага

Кел, кўргин бардошимни,
Ой алар кўз ёшимни.
Тун юлади қошимни,
Дилга тўлгин, садоқат.

Олтин тўла хумдайин,
Қисмат ёнган шамдайин.
Ўзбек деган номдайин,
Дилга тўлгин, садоқат.

Севги гулим бу шундай,
Ойдин кеча оқ кундай.
Сокин дарё ё тундай,
Дилни тўлдир, садоқат.

Шайтон йўлинг тўсмасин,
Армон қўли ўсмасин.
Гул кипригинг кесмасин,
Дилга тўлгин, садоқат.

ЭРКАЛАЙИН...

Хаёлларим хаёлингда оқиб кетди,
Не ошиқлар орттинамдан боқиб кетди,
Ҳажринг ўти юраккинам ёқиб кетди,
Кел, азизим, ёлғиз сени эркалайин...

Паришондир хотирим ҳам сени ўйлаб,
Қўшни йигит кўз тикади девор бўйлаб,
Фироқингда ёниб-куйиб, севгим сўйлаб —
Кел, азизим, ёлғиз сени эркалайин...

Муҳаббатинг асирида лолдир сўзим,
Кипригим ҳам қалтирайди, бедор кўзим!
У ён ўтиб, бу ён ўтиб фақат ўзим,
Кел, азизим, ёлғиз сени эркалайин...

Умидларим хазон бўлиб тўкилмасин,
Садоқатим кўнгли ўксиб букилмасин...
Қизим бахтсиз дея онам ўкинмасин —
Кел, азизим, ёлғиз сени эркалайин?!

Бахтга кўмиб, биз иккимиз бу оламни,
Ёриб ўтсак юракдаги дил ноламни...
Рози қилиб қишлоқдаги дугонамни —
Дониёр Мирзо, кел сени мен эркалайин!

АРМОН

*Хонанда Тожиной Шукуровнинг
қалб сўзлари*

Хаёлларга чўмган дамларим,
Юрагимда армон ғамларим.
Йиғлаб кўзда қолди намларим,
Армонимсиз менинг, отажон.

Отажоним, нурли ҳаётим,
Сизсиз менинг ҳаёт-мамотим.
Тилимдаги Қуръон оятим,
Армонимсиз менинг, отажон.

Ахтарайин қайлардан сизни?
Айтинг қандай жойлардан сизни?
Кўролмадим бир ўзингизни,
Армонимсиз менинг, отажон.

Милтираган кўзлар йўқолди,
Ота деган сўзлар йўқолди.
Босган қадам — излар йўқолди,
Армонимсиз менинг, отажон.

Ота, сиз-ла видолашган он,
Юрагимга сизмаган армон...
Дониёр Мирзо каби қадрдон
Армонимсиз менинг, отажон!

ПАРИРЎЙ

Эркагинам...
Нозли-севгилим:
Муҳаббатдан оғрийди дилим,
Лола мисол очилган гулим
Парирўйим-парирўйгинам...

Гулчеҳра-ю, нурли нигоҳинг,
Қалбга ғурур солади оҳинг.
Бўлса ҳамки, қанча гуноҳинг
Парирўйим-парирўйгинам.

Висол базмин қўмсайди юрак,
Билолмайман унга не керак.
Менга эса... Сен ўзинг керак,
Парирўйим-парирўйгинам.

Пешона — бир: кўнгиллар обод,
Ўзгалардан бўлгин эҳтиёт.
Хуснингга мен адоман, ҳайҳот...
Парирўйим-парирўйгинам...

* * *

Умрим илдизи бир гиёҳга ўхшар,
Ишқим полизига экилиб қолган.
Ёки ўғринча кўз ғалвирагидан...
Гуноҳ уруғлари тўкилиб қолган!
Садпора дилимдан қалтираб ғазаб,
Отилса юракни олиб нишонга.
Умидим энтикиб қаттол дарғазаб,
Висолни қўмсаган энг олий онга...
Етолмай нимта жон дийдаси қотган.
Муҳаббат лол эрур, овора забун...
Кўзим пардасини нимталаб отган,
Қорачиғ бир четда бўзлайди беун!
Кибрга қабоҳат бўлиб нишона,
Ҳажрга йўрилган қисмат ёнажак...
Нечук муҳаббатдан шўрдир пешона,
Бўғзимда айрилиқ, бир оҳ ёнажак!
Ёнгин, юрагим-ай, охирга қадар!
Ўлсанг ломаковнинг манзилин айтай,
Фақат муҳаббатдан кутмагин шафқат,
Кутсанг, мен ҳам оташ ишқимга қайтай!

БЕГОНАСАН...

Сен гўзал бир малакдирсан кучилмаган,
Ўн гулингдан бир гулинг ҳам очилмаган,
Ифорлари димоғларга сочилмаган...
Маликам, сен танҳодирсан, ягонасан,
Энди, жоним, нечун мендан бегонасан?

Тўлин Ойга қиёс этгум юзларингни,
Оху кўздек кулиб турган кўзларингни,
Кўзларимга суртгум босган изларингни...
Маликам, сен танҳодирсан, ягонасан,
Энди, жоним, нечун мендан бегонасан?

Сен-ла, жоним, бахтимга мен етадирман,
Етолмасам, дунёдан тоқ ўтадирман,
Кўзим юмиб ломаконига кетадирман...
Маликам, сен танҳодирсан, ягонасан!
Энди, жоним, нечун мендан бегонасан?!!

КИМ ЙИҒЛАТДИ СИЗНИ

Диллар майиб, кўнгил майиб,
Ким гуноҳкор, кимда айб?
Бир бурчақда гоҳ мунғайиб,
Йиғлаяпсиз нечун, Онажон?
Айтгинг менга, айтгинг менга,
Ким йиғлатди сизни, Онажон?!

Дилхун дея ғариб ҳамсоя,
Бошин эгиб жим турар қоя.
Қайғулар ҳеч топмай ниҳоя
Йиғлаяпсиз нечун, Онажон?
Қувончларга гоҳ солиб соя...
Ким йиғлатди сизни, Онажон?!

Гоҳ бир сиқим меҳрга зордай,
Қалби тўла гуноҳи бордай,
Гўё сиз-чун бу дунё тордай,
Йиғлаяпсиз нечун, Онажон?
Қадрингизни эзгилаб қордай,
Ким йиғлатди сизни, Онажон?

МЕНИ ҚЎЛЛА, ТАНГРИМ!

Армон қўлларимда кўкарган гиёҳ,
Қизлар йўлларимда чекар эди оҳ!
Шунда ҳам мен сендан изладим паноҳ,
Мени қўлла Тангрим, қўллагин, Тангрим.

Номард номи элга нолойиқ дедим,
Оғриндим, ўксиндим, халойиқ дедим.
Мен ҳам шоирликка гар лойиқ эдим,
Мени қўлла Тангрим, қўллагин, Тангрим.

Тонгда йиғлаб битдим шеър, ғазалимни,
Камбағалнинг бойлар ер асалини...
Ҳеч ким тузатолмас шеър касалини,
Мени қўлла Тангрим, қўллагин, Тангрим!

Адолат кетидан от чоптирдим, от,
Аччиқ ҳақиқатдир ахир бу ҳаёт.
Эсламаса ҳамки чексиз коинот,
Мени қўлла Тангрим, қўллагин, Тангрим!

ЯЛИ-ЯЛИ

Самодаги юлдузга
Қўлим чўзиб қоламан,
Сени ўйлаб кечалар
Хаёлларга толаман.
Ойдин оқшом бағрида
Висолингдан умидвор,
Тунлар бедор ҳажрингда
Ёнадирман-ёнаман!

Гоҳ қаноти қайрилиб
Учолмас кўнгил қуши,
Фироқида куйсам ҳам
Бўлмади мен-ла иши...
Ўтиб борар умримиз
Тўрт фасл — ёзу қиши,
Бир бевафо ёрмикан
Ўнгидан келмас туши!

Яли - яли ёрингман,
Кўзлари хуморингман...

РОЗИ БЎЛ

Дилингни хавотир эгаллаб олса,
Севгилим, мендан ҳам гар кўнглинг қолса,
Фарёдинг ғамингни Мангута солса...
Мендан рози бўлгин, Мендан рози бўл!

Гуноҳлар... Гуноҳлар... Кўпдир гуноҳлар,
Паришон хотирлар чекса ҳам оҳлар,
Гиёҳдан нур олган, қўли қадаҳлар.
Мендан рози бўлгин, Мендан рози бўл.

Ишқдаги жудолик мангудан мерос,
Севишмоқ - севмоқлик инсонларга хос,
Бир кўшиқ яратиб, миллий ҳам мумтоз,
Мендан рози бўлгин, Мендан рози бўл!

Янграсин дилингнинг Садафрез сози...
Ҳам дунёни тутсин унинг овози,
Сен умримнинг ҳаргиз баҳори, ёзи,
Мендан рози бўлгин, Мендан рози бўл!

Гарчи мендан бу кун бўлмишсан жудо,
Тақдири-азалсан, Узингсан худо.
Кел, севгилим, сен-чун бу жоним фидо
Мендан рози бўлгин, Мендан рози бўл!

ЙИҒЛАТСА ҲАМ ЙИҒЛАМАЙМАН...

Топлар ёриб кетса бошим,
Дунё ичса кўзда ёшим,
Булут қоплаб гоҳ қуёшим,
Йиғлатса ҳам йиғламайман.

Хаёлларим титроқ бўлиб,
Дўстдан душман кўпроқ бўлиб,
Гоҳ куйларим гулдай сўлиб,
Йиғлатса ҳам йиғламайман!

Ғанимларим гийбат қилиб,
Юрагимни пора тилиб,
Кўзимга боқ дея кулиб,
Йиғлатса ҳам йиғламайман!

Сокинлик бу — тақдир иши,
Кўнглим сўраб келмас киши.
Заҳрин сочиб илон тиши...
Йиғлатса ҳам йиғламайман!

Нокасларга номим сотиб,
Капалакдай хандон отиб,
Гоҳи топиб, гоҳ йўқотиб —
Йиғлатса ҳам йиғламайман!

ЕР ДЕЙМАН...

Аста-аста қадам ташлаб,
Келар бўлсанг ёнимга,
Гоҳи ҳазил шўхликларинг,
Тегмасмикан жонимга?!

Менга тушган нигоҳларинг
Юрагимга ўқ отса...
Тунда урган ҳар оҳларинг
Бўйнимга маржон тақса.

Ёр дейман ёлғиз сени,
Ёр бўлсанг ёлғиз ўзинг.
Зор дейман ёлғиз сени...
Зор бўлсанг ёлғиз ўзинг!

Умр ўтар, ўтаверар,
Асло тўхтаб қолмайди.
Иккимизнинг муҳаббатдан
Ҳеч ким қақшаб қолмайди!

Агар мени севар бўлсанг,
Дилдан севгин, чин севгин,
Гар ишқимда куяр бўлсанг,
Чиндан куйгин, чин куйгин.

Ёр дейман ёлғиз сени,
Ёр бўлсанг ёлғиз ўзинг.
Зор дейман ёлғиз сени,
Зор бўлсанг ёлғиз ўзинг.

ГИЕҲ

Нурли нафасимдан кўкарган гиёҳ
Кўзимдан сув ичиб, гуллаган сари.
Хурлик нигоҳидан отилган бир оҳ!
Ҳиссиз ҳасратимдан кетарди нари.

Сувсиз саҳроларни кезган ғалаён,
Хасталик торини синдириб кетган.
Юракда чорасиз қолганда армон,
Қайғу туманларни тиндириб ўтган.

Сўнгги нафасимдан ўт чиқиб ёр ай,
Тожи йўқ пошшодай қақшаб, қалтираб,
Кераксиз бошимни қай тошга урай,
Аллоҳдан гуноҳим кечмоғин сўраб?

Сўроқли саволим жавобсиз қолди,
Сабр косам тўлган саксовулзорда.
Йўқ-йўқ, жавоб келиб жонимни олди,
Энди тинч ётолсам чуқур мазорда.

ШОИР

Қатра ёш кўзидан отилиб кетса,
Беписанд боқади унга она ер.
Севгиси юракдан ситилиб кетса —
Қуёшнинг тафтини ютгандек шоир.

Мислсиз довоилар оша-опгандай,
Дилларни бурдалаб тилди муҳаббат.
Бўй қизлар севги деб яна шошгандай
Янги аср сари шошганлар фақат.

Гўёки муҳаббат ақлини олиб,
Тунлари безовта бўлгандек шоир.
Бу дунёда фақат сурати қилиб,
Ўзи аса руҳан ўлгандек шоир.

ЭРКАМ...

Гоҳи сизнинг кўнглингизни ололмасам,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?
Бедор тунда ёнингизда қололмасам,
Кўнглингиз ҳеч ёзилмайди нечун, эркам?!

Сунбул мисол сочингизни силасам-да,
Минг бор кулиб, кўз ёшингиз эласам-да,
Бир дунёча бахтингизни тиласам-да,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Ҳаёт ўзи сийнасини ёрар эмиш,
Бир кун келиб бизни бахтга қорар эмиш.
Мен Отабек, сиз-чи, унда бўлиб Кумуш,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Ҳасрат тўла юрагимни эзиб-эзиб,
Гулбоғимдан гуллар термай нечун кезиб,
Сизни севдим, десам, жоним, мендан безиб,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Баҳорга, сиз, чирой бериб очилган гул,
Сизга ошиқ хониш қилган менман булбул,
Сиз танҳосиз, сиз Малика сочи сунбул.
Аразингиз очилмайди нечун, эркам?!

Ҳажр ўти тиглар менинг юрагимни,
Ишқ наштари тилкалади курагимни.
Билмам, сизга борми ўзи керагимни,
Аразингиз очилмайди нечун, эркам.

ЭР ЙИГИТЛАР

Эр йигитлар ожиза эмас,
Меҳр-қаҳр мўъжиза эмас.
Йиғи баъзан қилинар ҳавас...
Нима қилсин дунёда ахир,
Эр йигитлар йиғлаёлмаса?

Ошиқ бўлар, севар-севила,
Дили йиғлаб, кўзлари кулар.
Жондан ўтса ўзлари билар,
Нима қилсин дунёда ахир,
Эр йигитлар йиғлаёлмаса?

Кўз ёшини кўрсатиб ошкор,
Бир куни шод, ўн кунидир хор.
Ор, номуси, ғурури ҳам бор,
Нима қилсин дунёда ахир,
Эр йигитлар йиғлаёлмаса?

Йиғи билан бўлмагин ҳеч банд,
Ўйлар унга йиғи берар панд.
Эр йигит-да, ғурури баянд...
Нима қилсин дунёда ахир,
Эр йигитлар йиғлаёлмаса?

Тўлғоғи йўқ қисир булутдек
Қалтирадик, тўкилдик тутдек.
Мирзо каби йиғламай ўтдик...
Нима қилсин дунёда ахир,
Эр йигитлар йиғлаёлмаса?

ҚИШ

*Кеча қатрондай қотади,
Мени мўлжалга олди кўк...*

Кўчқор Норқобил

Қиш... қахратон тунида
Бўлди-ку диллар пора.
Қисматим қор қўлида
Йўқ эрур унга чора.

Қор чангаллаб бошимни,
Кафтида хўп янчади.
Эссиз юлиб қошимни
Товонимга санчади...

Тилгинам бўлиб дудук,
Қор қўлида бир ҳовуч.
Қутилмоқ истар юрак,
Лек топилмас унга куч.

Излар қиш аёзи,
Тупукларим музлайди.
Дўст эмас баҳор-ёзи...
Дилгинам зор бўзлайди.

... Олазарак кўзларим,
Бўлди қалбим қуёши.
Қор кўмади изларим,
Титрайди дил бардошим.

Кеча-кундуз не қилай?
Кўзимга қор алайди!
Қиш шамоли ғувиллаб,
Мени қорга белади...

Зангори тоғ заъфарон,
Увлар бўри, ўлжасираб.
Ўлсам мени шу тоғга,
Кўмгин фақат қорга ўраб.

Сўнди умид, эй дарддош,
Қисмат ночор, қулайман.
Киприкда муз, қариндош,
Сенга умр тилайман!

Энг сўнгги дам қучаман
Эл-юрт, ота-онамни.
Сўнг руҳ бўлиб учаман,
Кезиб мангу оламни...

МЕН ҚАНДАЙ ЯШАРДИМ

Дилимни ўртайди
Изтироб, алам,
Оппоқ қоғоз ила бўлмаса қалам,
Ўзга юртда эмас, ўз юртимда ҳам,
Мен қандай яшардим, айтинг, одамлар.

Лолақизғалдоқдан тиланиб соя,
Сарҳадлар ортидан кўриниб қоя,
Ўз умримга ўзим ясаб ниҳоя —
Мен қандай яшардим, айтинг, одамлар.

Қулоқ тутиб сармаст — дурдоналарга,
Меҳридарё, дилхун ҳар оналарга,
Мурувват этмайин яғоналарга...
Мен қандай яшардим, айтинг, одамлар.

КЕТАВЕРГИЛ

Кетавергил, қолма йўлингдан,
Ёр демагил, сенга ёрмасман.
Ёрсиз умрим ўтса ҳам агар,
Ёнингга ҳеч ёр деб бормасман.

Ёмонларга куним қолса ҳам,
Шом қўйнида туним қолса ҳам,
Ёр деганим мендан тонса ҳам,
Ёнингга ҳеч ёр деб бормасман.

Қизғалдоққа қўйганимда бош,
Майсаларга сирим бўлса фош.
Гулдек кўнгил бўлиб қонгалош —
Ёнингга ҳеч ёр деб бормасман.

Мени ҳеч ким ёр демаган дам,
Киприкларим бўлганида нам.
Дунё маъдан юз ўтирса ҳам,
Ёнингга ҳеч ёр деб бормасман.

Ризқ узилиб, тутаса тузим,
Очилмаса шунда ҳам кўзим.
Мирзо билан қолиб бир ўзим —
Ёнингга ҳеч ёр деб бормасман!

ҲИЖРОН

Сизни гулбоғларга чорлагим келар,
Иқболингиз бўлиб порлагим келар,
Сизга ошиқлигим кенг дунё билар,
Лек ўзингиз билмай қолаверасиз,
Қалбга ҳижрон чўғин солаверасиз.

Қуёш ҳам ошиқдир Ҳилолга — Ойга,
Сиз маҳлиё бўлиб қайсидир бойга,
Мен учмадим ҳатто минг хил чиройга,
Хаёлимни яна олаверасиз,
Қалбга ҳижрон чўғин солаверасиз.

Дунёда ошиқлар кўпдиру, аммо
Бир-бирига етмоқ бўлди муаммо,
Айлаганин гулнинг минг хил таманно,
Гул, ўзингиз билмай қолаверасиз,
Қалбга ҳижрон чўғин солаверасиз.

БУ ҚЎЛЛАР

Узатсак бу қўллар етгай юлдузга,
Лек тиллар айланмас бир ширин сўзга,
Ростини айтайин, ростини сизга...
Сиз ҳам калондимоғ, мен ҳам калонман —
Меҳр кўргазмадик бир-биримизга.

Ойдан тилаб олиб нурни Қуёшга,
Ёстиқ ўрнига ҳам қўймадик бошга.
Суяниб-суяниб ожиз бардошга,
Нурни хароб этдик, нурни хор этдик,
Оқизиб юбориб дайди кўз ёшга.

Фарёдни бир тунда «оҳ»га алмашдик,
Тавимиз зир титраб воҳга алмашдик,
Ўрани қаздириб, чоҳга алмашдик,
Мен ҳам заҳарзабон, сиз ҳам шунақа —
Мирзони мот қилиб, шоҳга алмашдик...

ҚҰШНИ ҚИЗ

Бу дунёда яккаю ёлғиз,
Фақат қўшни қизни севаман.
Юзлари гул, кўзи чарос қиз —
Фақат қўшни қизни севаман.

Бўйдоқлигим бошимга бало —
Гап отади сулув қизчалар.
Мен-чи, турфа сулувлар аро
Фақат қўшни қизни севаман.

Буйруқ этиб бўлмас юракка,
Ҳайрону лол, ғамда куяман.
Шу қизни деб ўлсам керак-да,
Фақат қўшни қизни севаман.

Мени кўнглим билмайди биров,
Тушунмаса туққан онам ҳам.
Обермайман десалар отам,
Фақат қўшни қизни севаман.

ОНА ФАРЁДИ

(сюжет-2: Салим Ашур)

Оқиб борар эди денгизда
Бир чақалоқ бешиги билан.
Сувга тўлиб тоғ уйивгиздан —
Деразаю эшиги билан...

Бир қирғоққа бориб тақалди
Ва ниҳоят беланди лойга.
Шунда ногоҳ она фарёди —
Етган эди ёлғиз Худога.

Қирғоқ бўйлаб югуриб ногоҳ
Дадаси ҳам чарчади, толди.
Чақалоқни мушфиқ онанинг
Бир дуоси қутқариб қолди.

Шамолдайин елди кетидан,
Хўп чарчади, ҳориди, толди.
Она келиб чақалоғини
Астагина кўлига олди.

ЛАЙЛИ

Орзуларим, умидларим кўп,
Ҳаммасига етиб бўлмайди.
Сўрамасдан қизнинг кўлини
Сира-сира тутиб бўлмайди.

Лайли, Лайли, жоним Лайли,
Ёр, бўйингдан айланай, дейсан.
Лайли, Лайли, жоним Лайли,
Ёр, сочингга бойланай, дейсан.

Сарсон бўлма фақат йўлимда,
Кўлларимдан ҳеч туюлмайсан.
Бир йигит бор менинг дилимда,
Ундан сира сен ўтолмайсан!

ЗАР ДҶППИ

Зар дўппи бор бошингизда,
Ўсма қалам қошингизда,
Ёр, ўн саккиз ёшингизда
Севиб қолдим, севиб қолдим.

Боқиб қора кўзингизга,
Термулиб Ой юзингизга,
Учиб ширин сўзингизга,
Севиб қолдим, севиб қолдим.

Кўриб ҳинди холингизни,
Татиб лабда болингизни,
Сўраб жону ҳолингизни,
Севиб қолдим, севиб қолдим.

Ёниб турар ёноғингиз,
Бунча асал дудоғингиз,
Дилга ботар қийноғингиз,
Севиб қолдим, севиб қолдим.

Эй Гуландом! Кўзи сузук,
Бармогида тилла узук,
Мирзодайн туппа-тузук —
Севиб қолдим, севиб қолдим.

КУЛИБ ҚЎЯСИЗ

(Афғон қизига)

Билолмадим кимни суясиз,
Кечаю кун йирлаб куясиз.
Айёрона саволга тутсам,
Бир сўз демай кулиб қўясиз.

Олам-олам орзулари бор,
Ният холис, қайда Кандаҳор?!
Ёмонликни асламай зинҳор —
Бир сўз демай кулиб қўясиз.

Мен ёмонман, жуда серзарда,
Кўзларимни ёр босган — парда,
Сиз яхшисиз, юриб шаҳарда,
Бир сўз демай кулиб қўясиз.

БЕХОТИН ЭРКАК

(кимга ҳазил, кимга чин)

Хушсиз осмон хўрсинигидан
Юм йиғлади мезон палласи.
Тушда кўрган дайди ит билан —
Учиб кетди мушук қалласи.

Шер, зағизгон, сунт эмизувчи
Уя қурди қорачигимга.
Бир дўқдаёқ ҳатто булут ҳам
Тегмайдиган бўлди жигимга.

Хушомадда тегирмон тоши,
Менинг учун нов чайнаб берар.
Намозшомда урган оҳимдан
Қирмизигул қошини керар.

Капалаклар калта юбкасин
Илиб қишда чанғи учарлар.
Пашша филнинг кийиб кепкасин,
Бегемотни қаттиқ қучарлар.

Типратикан ярим-яланғоч,
Қурбақа-чи, насаби тоза...
Ер тагида чувалчанглардан
Қалдирғочлар олмиш андоза.

Шум такабой олифталикдан
Пут кўтарар «иялаб-ия».
Шунда сичқон эски шортигин
Тустовуққа қилар ҳадя...

Эчки сочин кесган, беҳаё,
Каламушга тегади касри.
Янтоққа ҳам бўйнини чўзмай,
Ўтиб кетди туялар асри.

Дўстлар, ҳазил, ўйламанг сира,
Ёзибди-да чипша-чинни деб.
Шеърни ўқиб, кулиб устимдан,
Дониёр Мирзо бўпти жинни деб.

Соғлом деб ҳам бўлмайди ахир,
Виждон билан жиғилдон, дўстим.
Ғижим қоғоз, қийшиқ қаламдек
Хотиним йўқ, шудир кам-кўстим.

МУҲАББАТ

Ишқ гулининг ҳидлари тахир,
Унда бордек гўё мингта сир.
Йиғлаб-йиғлаб иккимиз ахир
Армон бўлди бизнинг муҳаббат.

Бизлар ахир жонажон эдик,
Икки танда битта жон эдик,
Доимо иккимиз қадрдон эдик,
Армон бўлди бизнинг муҳаббат.

Гулхан ёқиб мангу дилларда,
Ранги зангор — хазон йўлларда,
Гувоҳ надир, кезиб чўлларда —
Армон бўлди бизнинг муҳаббат.

Тақдирингда не бўлса зоҳир,
Бошга тушар экан-да охир.
Зухросидан айрилиб Тоҳир —
Армон бўлди бизнинг муҳаббат.

ПЕШОНАМГА СИҒМАГАН БОЛАМ

Тинди сукут, ўкинар олам,
Фарёд чекар бедаво нолам,
Рухлари шод, бироқ манглай шўр —
Пешонамга сиғмаган болам.

Оҳ урарман, оҳларим осмон,
Менман ўша — жигар-бағри қон,
Бир лаҳзада таслим қилган жон —
Пешонамга сиғмаган болам.

Қабоғимдан жала тўкилди,
Гарчи қисмат, қаддим букилди,
Сенсиз мenden ҳар не чекинди,
Пешонамга сиғмаган болам.

Ҳаёт — умр йўллари хазон,
Очилмаган гуллар заъфарон,
Бевақт ажал сақлаёлмай жон,
Пешонамга сиғмаган болам.

БАҲОР

Сен ҳилолсан нур сочиб турган,
Субҳидамнинг сўлим наҳори.
Гўзалликдан кенг олам кулган —
Тўрт фаслнинг арка баҳори.

Баҳор, баҳор, сўлимсан, баҳор,
Ярнинг гулзор, ярнинг лозазор.
Тўлиб турган дилимсан, баҳор —
Юракларда сўнмас ифтихор.

Нурга тўлиб одамлар кўзи,
Қизғалдоқлар сочилган йўлга.
Сен чақмоқсан, само юлдузи —
Шодлик, ором бағишлар дилга...

САРВИҚОМАТ

Туним бедор, куним ўтмайди,
Юрагимдан армон кетмайди,
Юрак сени ҳеч тарк этмайди,
Мен йўқотган, эй сарвиқомат.

Гулим, сочинг етган товона,
Ўзим ошиқ, ўзим девона,
Тақдир этди бизни бегона,
Мен йўқотган, эй сарвиқомат.

Қисмат битик пешона ахир,
Сенсиз ҳаёт бунчалар тахир,
Қалбимдаги биттагина сир —
Мен йўқотган, эй сарвиқомат.

Суянч тоғим қўлламайдими,
Чаман, гулзор гулламайдими,
Сирли мактуб йўлламайдими —
Мен йўқотган, ул сарвиқомат.

* * *

Тойчоқ йўлга чиққанда,
Теа суринар, азизим.
Ўзганинг ёри сенга —
Қиз кўринар, азизим.

Силасанг-силамасанг,
Узун-узун сочини,
Сени интиқ кутар ул
Кенг ёйиб қулочини...

Кўчаларда юролмас,
Бармогида узуксиз.
Сени хумор айлаган,
Ўша кўзи сузук қиз...

Ўтолмайсан барибир,
Тақир-тошлоқ кўчалари.
Хаёлингни забт этади,
Ўша малак кечалари...

СОҒИНИБ ҚОЛГУМ СЕНИ

Бир кун сени кўрмасам,
Ўйлаб хаёл сўрмасам.
Ёр, ёнингда бўлмасам —
Соғиниб қолгум сени.

Тушда кўрсам тўлғониб,
Хаёлларга чўлғониб.
Уйқудан ҳам уйғониб —
Соғиниб қолгум сени.

Меҳр бўлар одамда,
Ҳар сония, ҳар дамда,
Ҳатто, ҳар бир қадамда...
Соғиниб қолгум сени.

Ёдга тушиб сўзларинг,
Ақлим олар кўзларинг.
Ортда қолар изларинг,
Соғиниб қолгум сени...

КЕЛ, ЭЙ ОШИҚ...

Сени мен соғинганимдан даллию, девонаман,
Энг кичик орзуларимдан, кулгидан бегонаман —
Шунчалар ҳижронларингдан тунлари тўлғонаман,
Кел, эй ошиқ, ёнимга кел, жонимга кел, биргина.

Соғинчларим, садоқатим йўймагил ҳеч риёга,
Кўзларим зор бўлиб қолди, сенсиз, ташна зиёга.
Ишонмайман ёлғизгинам, бу дунёда рўёга...
Кел, эй ошиқ, ёнимга кел, жонимга кел, биргина.

Умр шошқин-ўтаверар, гўё дарё мисоли,
Кимда ҳижрон, кимда алам, йўқдек, ёрнинг висоли:
Биз иккимиз бўлайликки, еру жаҳон тимсоли —
Кел, эй ошиқ, ёнимга кел, жонимга кел, биргина.

АЛДАНИШ ЁМОНДИР

Алдагинг келади, алдаган сайин,
Гоҳ гаплар тош ботар, гоҳида майин.
Ёшинг қирққа боргач, бир гўдакдайин,
Алданиш ёмондир, алдаш ҳам ёмон,

Бор деб ҳеч вақоси йўққа ишониб,
Дил билан тўлғониб, қалб билан ёниб.
Нурни хаёл қилиб, кулга чўлғониб,
Алданиш ёмондир, алдаш ҳам ёмон.

ТЕБРАНМАДИМ

Ёмғир ёки... қор ёғса ҳам,
Йиғлаб унсиз зор ёғса ҳам...
Чексиз ўлан тор ёғса ҳам,
Тепса-тебранмадим ўзим!..

Қўшиқларим бахтим тилаб,
Гоҳ куйларим сочин силаб.
Уст-бошимни лойга белаб,
Тепса-тебранмадим ўзим!..

Бепарво деб кулсалар ҳам,
Сирларимни билсалар ҳам.
Гуллар сўлиб бўлсалар ҳам,
Тепса тебранмадим ўзим!..

Шунча яшаб умрим ўтиб,
Қизғалдоқдан соя кутиб,
Гарчи пинҳон ёшим ютиб —
Нетай очилмади кўзим!..

КЕТАМАН

Мустасноман бу «тун» улфатдан,
Тубсизгина қаҳр-у, кулфатдан...
Овоз чиқиб қалдирғоч патдан...
Кўлда талқон ялаб кетаман!
Вужудимни титратиб сохта,
Қайғу, алам, армонлари ҳам.
Қолиб кетар онам у ёқда!
Ўзим гўдак белаб кетаман!
Қонга тўлиб қаҳрли кўзим,
Мустажолик баёти сўниб.
Айтолмайин энг сўнгги сўзим.
Ғалвирда сув алаб кетаман.
Қалимага айланмай тилим,
Уммонларга шўнғигим мангу...
Кесиб ташлаб шу икки кўлим!
Жарликларга қулаб кетаман!
Мен шундайин нотавон банд,
Ёмонликни хушламас кўнглим...
Эй, руҳи соғ жисми баданда,
Ерга сингиб мангу кетаман!
Юрагимга гулгула тўлиб,
Ҳасратимдан чанг чиқар не тонг...
Майингина шаббода бўлиб,
Сочларингиз силаб кетаман!
Афв этингиз узрлар сўрай?
Ранжигандир кўнглингиз андак...
Ёқа ушлаб дейсиз, ёпирай!
Тоғни ташлаб майда ютаман!
Ҳеч кимсага ташламай назар,
Орта боқиб умрим санайман.
Дониёр Мирзо, минг алҳазар
Сизга ҳам бахт тилаб кетаман.
Кетаман деб дўқ қилдим фақат,
Шеърлар ёздим сизга деб қат-қат.
Қойил қолди Улуғбек, Фитрат,
Шеърим мангу, ўзим кетаман!

ГУЛИРУҲ

Қорачиққа тиканак ботиб,
Қоқилмай ерга юз тубан.
Кўз гавҳари — ерни уйғотиб,
Рўйи-замин, камалак чаман.

Шабнам каби тусланади қир,
Товланади гўё гулсуман.
Кўкаламзор далалар-адир,
Теграсида чарх урар туман.

О, Гуласал, Гулируҳ-очун,
Ифоридин қад тиклагай даст:
Гуласални севгани учун —
Ишқ куйида рўйи-замин маст...

ҚАЛДИРҒОЧ

Чарс этиб узилди нимадир,
Тилсиямой чинқирар беқутқу:
Она ер чиранар беажр
Кўзи йўқ, беуйқу-беуйқу.

Чарс этиб узилди нимадир,
Ўзи йўқ, номи бор анқо қуш.
Синади сўнгаги беқадр,
Силласи фаромуш-фаромуш.

Чарс этиб узилди нимадир,
Нелигин пайқамас, қорасоч.
Узилди-узилди нимадир —
Тилим юл, қалдирғоч, қалдирғоч...

ВР ВАСЛИ...

Қора ширмой юзли севганим бир қиз,
Кўнгил ярим, ул ҳам йўқолар беиз...
Унинг юрагида улғайган бир ҳис,
Мени қучоғинга олгин, муҳаббат!

Хаёл оғушида бораман оқиб,
Фариб таним ўтли нигоҳ-ла ёқиб.
Маликам, кўз ости қўяди боқиб,
Мени оғушингга олгин, муҳаббат!

Малак пойин ўшиб тиз чўкса тоғлар,
Бағрига гул экиб, гул тутса боғлар...
Шунда гулга тўлиб қулоч-қучоқлар,
Мени қучоғингга олгин, муҳаббат!

Мени армон қийнар бахтим қоралаб,
Нетай ҳижрон ўйнар қалбим яралаб.
Гоҳ оруз учар кўнгил оралаб,
Мени оғушингга олгин, муҳаббат!

Кўксимни ғамларга айладим макон,
Ажал панжасида титраб турар жон!
Ўз севгим ўзимга бўлмайин Армон,
Мени асирингга олгин, муҳаббат.

УЧРАШМАДИК

Гуноҳлими-гуноҳсизми, билмам нетар одамзот,
Бу дунёга йиғлаб келиб, йиғлаб кетар одамзот.
Бизнинг эса бу кўзларга йиғи келмас, ёшлар ёт,
Кўзлардаги томчи ёш учрашганда-учрашмадик.
Қай гуноҳим бошга бало, адо қилар ўзимни,
Опиқлигим билмайдими, тингламайди сўзимни.
Гоҳ сузиб кўзларини, куйдиради кўзимни,
Гуноҳкордек, Ой, Қуёш, учрашганда-учрашмадик.
Чимилдикда икки ёш, учрашганда-учрашмадик,
Най киприк-ла, қалам қош, учрашганда-учрашмадик.

КЕЛМАСАНГ БЎЛМАС

Ўтди кунлар, ўтди Ой, йиллар,
Бедор ўтар сенсиз ҳар кунлар.
Ҳажрингда жон ўртанди диллар...
Эй ғўзалим, келмасанг бўлмас!

Бедорликнинг йўллари узун,
Хаёлларим ҳисларга тутқин...
Сенсиз, жоним мен, танҳо ўтгум!
Эй гўзалим, келмасанг бўлмас!

Ёлвораман бағримни эзиб,
Ё раб, дея — ўзимдан безиб,
Тутадирман бахт гулин узиб,
Эй гўзалим, келмасанг бўлмас!

БИРОДАР

Чоҳ қазипни ўйлаб бировга,
Қора сочинг буркаб қировга.
Қасос учун отланиб, овга —
Умринг ўтказмагил, биродар!

Ҳафсаланг пир, тоқатларинг тоқ,
Қорани ҳеч демагил оппоқ.
Ёмон билан қадрдон ўртоқ —
Бўлиб кетаверма, биродар.

Қизлар каби қошларинг териб,
Соч ўстириб, сочларинг ўриб.
Парилардек, нозланиб юриб,
Вақтинг кетказмагил, биродар.

ҚИСМАТ

Умри нолиш билан ўтган малика,
Сен кўнгил уйига шоҳсан ҳам бека.
Нетай орзуинг бўлса олис Африка...
Қисматинг шунчалар аччиқмидир, айт.
Юлдузлар назмидан битайин бир байт.

Ялпиз баргларига қўнган капалак,
Тонгда Зухро мисол сўнган камалак.
Ё ўнгга айланар, ё сўлга фалак,
Қисматинг шунчалар аччиқмидир, айт.
Юлдузлар назмидан битайин бир байт.

Мовий диёрини безаган наққош,
Зухродан нур инган, Ой хуси талопи.
Сен танҳо эрурсан чилдурпегма қош,
Қисматинг шу қадар аччиқмидир, айт.
Сенга атаб ёдгор битайин бир байт...

КУЁВТУРА

Келажаги ўйловли йигит,
Қоп-қора қош, мўйловли йигит.
Куёвтўра — сийловли йигит,
Дугонамга ёқиб қолибсиз.

Чехралари тўлишиб кетган,
Қоматлари келишиб кетган.
Энг қизиғи, бўйлари етган —
Дугонамга ёқиб қолибсиз.

Қиз кўргани келганингиз кун,
Белда белбоғ, эгнингизда тўн.
Соҳибжамол, сочлари узун —
Дугонамга ёқиб қолибсиз.

Сизни дея ўзин унутган,
Йўлларингиз интизор кутган.
Кўлингизга рўмолча тутган —
Дугонамга ёқиб қолибсиз.

Қошлари ёй, кўзалари чарос,
Сиз унга мос, у ҳам сизга мос.
Бу сўзларим ёлғон эмас-рост —
Дугонамга ёқиб қолибсиз.

ШИРИНХОНГА

Аёлимнинг ёнида баъзан,
Ҳис этаман ўзимни ёлғиз.
Висолига етолмаганим —
Тушларимда йиғлайди бир қиз.

Оҳ, ўламан чиройингизга,
Севиб қолгум жонимдан ортиқ.
Ҳатто, қалбим санчиқларини...
Фақат сизга қилайми тортиқ?

Ширин, сизнинг висолингизга,
Қисмат нетай — етолмагайман.
Нурга чулғаб кокилларингиз,
Ишқим изҳор етолмагайман.

Ҳурлиқосиз еру самога,
Танҳо ташлаб кетолмагайман.
Тегмай туриб қалтирар қўлим —
Билагингиз тутолмагайман.

Сиз парисиз гунча мисоли,
Камалакка қўниб турган пар.
Фидо бўлган муҳаббатимиз...
Ҳеч кимсага қилмайди зарар.

Юзингиз оқ, кўзингиз чарос,
Титраб турар данакдай жоним.
Ҳеч етолмам-етолмайман рост,
Висолингиз буюк армоним.

Танда сиз ва кеннойингизга,
Иккига тенг бўлинган юрак.
Пешона шўр икки дунёда,
Сизга асло етмасам керак...

ДЎСТЛАР

Дилга малҳам сўзлар топилмас,
Теран нигоҳ кўзлар топилмас!
Қопқоғи йўқ! Осмон ёпилмас...
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар?!

Тик оёқда турган инсон деб,
Қил устида сақланган жон деб,
Бағри бутун, софдил иймон деб,
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар.

Мовий осмон бағрида қишлаб,
Юлдузларнинг қўлидан ушлаб.
Ўзим мезбон — сизни хуш-хушлаб,
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар.

Чора йўқдир энди ўзгача,
Меҳр тўла дилдан, кўзгача.
Нурли ҳаёт завқи ўзгача:
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар.

Дунё юкин елкага ортиб,
Қуёш юзга тарсаки тортиб,
Йиғлаб пинҳон кўз ёшим артиб,
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар.

Қўлим очиб дуога ҳар дам,
Гоҳо қуруқ, гоҳо кўзим нам.
Керак бўлса бошим қилиб хам —
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар.

Хазон умрим хирмон бўлгунча,
То кипригим ўрмон бўлгунча,
Поёни йўқ! Дунё тургунча —
Мен сизга бахт тилайман, дўстлар.

МУНДАРИЖА

С.Ашур. Юксак парвозлар умиди	3
Яхшилик	4
Аёл	4
Ёлгон севги	5
Ҳамнафас	6
Отажоним, отажонгинам... ..	7
Онамга мактуб	7
Оққушгинам	8
Асардаги қаҳрамон	9
Дунё	9
Қувонч	10
Онажон	11
Лолажон	11
Туманзор ичинда	12
Одамлар... ..	12
Қирқта жон	13
Ҳаёт мангу	13
Ҳақ гап	14
Бир чақирим йўл	16
Дуо ол	17
Садоқат	17
Эркалайин... ..	18
Армон	19
Парирўй	19
Умр йўли	20
Бегонасан... ..	20
Ким йиғлатди сизни	21
Мени қўлла, Танграм!	21
Яли-яли	22
Рози бўл	23
Йиғлатса ҳам йиғламайман... ..	23
Ёр дейман... ..	24

Гиёҳ	25
Шоир	25
Эркам	26
Эр йигитлар	26
Қиш	27
Мен қандай яшардим	28
Кетавергил	29
Ҳижрон	30
Бу қўллар	30
Қўшни қиз	31
Она фарёди	31
Лайли	32
Зар дўппи	32
Кулиб қўясиз	33
Бехотин эркак	33
Муҳаббат	34
Пешонамга сизмаган болам	35
Баҳор	35
Сарвиқомат	36
Тойчоқ	36
Соғиниб қолгум сени	37
Кел, эй ошиқ... ..	37
Алданиш ёмондир	38
Тебранмадим	38
Кетаман	39
Гулируҳ	40
Қалдирғоч	40
Ёр васли... ..	40
Учрашмадик	41
Келмасанг бўлмас	41
Биродар	42
Қисмат	42
Куёвтўра	43
Ширинхонга	43
Дўстлар	44

Адабий-бадий нашр

ДОНИЁР МИРЗО

ОҚҚУШГИНАМ

Шеърлар

Мухаррир Г.МИРЗАЕВА
Бадий муҳаррир Б.БОЗОРОВ
Тех.муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО
Мусахҳиҳ Д.МИНГЪОЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ 3944

Босилга 26.08.2004й да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 1,5. Шартли босма тобоғи 2,52.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 210.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.